
ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЖАМИ КЕРАМИК ПЛИТКАЛАРНИНГ 23 ФОИЗИ ВИЛОЯТИМИЗДАГИ "MODERNA CERAMIC INDUSTRIES FERGHANA" ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА!

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси матбуот хизмати хабарига кўра, январь-октябрь ойларида республикада мавжуд саноат корхоналарида жами 24 миллион 221 минг метр квадрат керамик плиткалар ишлаб чиқарилган.

Эътиборлиси, энг кўп маҳсулот Фарғона шаҳрида жойлашган “Moderna ceramic industries Ferghana” МЧЖ Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси томонидан тайёрланган. Жорий йилнинг ўтган 10 ой даври мобайнида корхонада 5 миллион 564 минг метр квадрат маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Бу даврда республикамиздаги корхоналар томонидан 43 миллион долларлик керамик плиткалар экспорт қилинган. Хорижга маҳсулот сотишда ҳам "Moderna Ceramic industries Ferghana" Республикада етакчи ўринлардан бирида бормоқда. Январь ойидан бугунги кунга қадар корхонадан 5 миллион 116 минг долларлик керамик плиткалар қўшни давлатларга экспорт қилинган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-11-19 20:20:58